

Инглиз тилидаги Қуръони каримнинг илк таржимаси архив марказига юборилади



15:05 / 24.06.2019 2696

Янги Зеландия пойтахти Веллингтондаги марказий кутубхона шаҳарнинг ҳужжатлаштириш архив марказига кўчирилади. Бу ҳақда Newsie ахборот портали ва IQNA хабар беради. Кутубхонада 1200 га яқин ноёб намуналар сақланади. Хусусан, Қуръони карим маъноларининг биринчи инглиз тилидаги таржима нусхаси ҳам.

1374 йилда инглиз ёзувчиси ва адвокати Жорж Сейл томонидан «Қуръони Муҳаммадий» маънолар таржимаси китоби дунёдаги энг ноёб илк таржималардан ҳисобланади. Таржимон ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатдан келиб чиқиб, китобнинг муқаддимасида Ислом дини ва ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида жуда ҳам кўп маълумотлар беришга ҳаракат қилган.

